

Сийрат дарслари (99-дарс). Қабрларнинг устига ўтирманглар!



14:01 / 21.08.2020 5021

401. Муҳаммад ибн Қайс ибн Махрамадан ривоят қилинади: «У бир куни: «Сизларга ўзим ва онам ҳақида гапириб берайми?» деди. Биз туққан онасини айтяпти, деб ўйладик. У эса, қуйидагини айтди:

«Оиша: «Сизларга ўзим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида гапириб берайми?» деди. «Ҳа», дедик. «Навбатим куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузуримда бўлган кечада у зот ридоларини қўйдилар. Кавушларини ечиб, оёқ тарафларига қўйдилар. Изорларининг бир тарафини тўшакларига ёздилар ва ёнбошладилар. Кўп ўтмай мени ухлаб қолди, деб ўйлаганларидан, аста ридоларини олдилар. Аста кавушларини кийдилар. Эшикни очиб, ташқарига чиқдилар. Кейин уни аста ёпдилар. Қўйлагимни кийиб, рўмолимни ўрадим, изоримни кийдим. Кейин у

зотнинг изларидан борсам, Бақийъга келдилар. У ерда узоқ турдилар. Сўнг қўлларини уч марта кўтардилар. Кейин қайтдилар, мен ҳам қайтдим. Тезладилар, мен ҳам тезладим. Лўкиллаб юрдилар, мен ҳам лўкиллаб юрдим. Югурдилар, мен ҳам югурдим. Шунда у зотдан ўзиб кетдим ва ичкарига кириб олдим.

Энди жойимга ётган эдим, у зот кирдилар ва: **«Сенга нима бўлди, Оиша, ҳансираяпсан?»** дедилар. «Ҳеч нарса», дедим. **«Бунинг хабарини менга ўзинг айтасан, бўлмаса, Латиф ва Хобирнинг Ўзи хабар беради»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга отам ва онам фидо бўлсин», дедим ва хабарини айтдим. **«Олдимда кўринган қора сенминг?»** дедилар. «Ҳа», дедим. Шунда у зот кўкрагимга бир тurtган эдилар, оғриқ сездим. Сўнгра у зот: **«Аллоҳ ва Унинг Расули сенга жабр қилади, деб ўйладингми?»** дедилар. «Одамлар ҳар қанча яширишса ҳам, Аллоҳ билади. Ҳа», дедим. **«Сен кўрганигда олдимга Жаброил келди. У мени сендан махфий қилиб чақирди. Мен ҳам сендан яшириб жавоб бердим. Кийимингни ечган пайтингда у сенинг олдингга кирмас эди. Мен сени ухлаб қолдинг, деб ўйладим. Сени уйғотишни истамадим. Кўрқиб кетишингдан хавфсирадим. Албатта, Роббинг Бақийъ аҳли ҳузурига бориб, уларга истиғфор айтишингни буюради»**, дедилар. «Уларга нима дейман, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим. **«Ассалому ала аҳлид-дияри минал мўминийна вал муслимийн. Ярҳамуллоҳу ал-мустақдими на миннаа вал мустаъхирийн. Ва иннаа иншааллоҳу бикум лааҳиқуун»**, дегин», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

402. Абу Марсад Ғанавий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қабрларнинг устига ўтирманглар. Уларга қараб намоз ўқиманглар»**, дедилар.

Муслим ривоят қилган.

403. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жаъфарнинг вафоти хабари келганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар. Уларни машғул қиладиган нарса келиб қолди»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан